

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2024 йил декабрь ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман суди очик суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Т.Чўлиев, судья ёрдамчиси А.Нормамаатовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Жарқўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси Қ.Зубайдуллаев, фуқаровий даъвогар ХХХХХ, судланувчи ХХХХХ ва унинг ҳимоячи адвокат Х.Кабуловларнинг иштирокида, ХХХХХга нисбатан бўлган № 1-1906-2402/204-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: ХХХХХ (ХХХХХ), ххххх йил ххх август куни Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, давлат мукофоти олмаган, депутатликка сайланмаган, муқаддам судланган, судланганлик ҳолати тугалланган, Қумқўрғон тумани “Боғоро” маҳалласида яшайди, “Гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 21 октябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўргазмаларини тинглаб, тарафларнинг музокараларини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишдаги мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Тергов органи ҳужжатларига кўра, ХХХХХ туманнинг “ХХХХХ” маҳалласи ҳудудида жойлашган 23.10.2020 йилда “ХХХХХ” оилавий корхонасини ташкил қилиб, ушбу корхонани ўзи бошқариб келиб 16.04.2023 йилдан 16.04.2024 йилга қадар Ўзбекистон Республикасининг “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги ЎРҚ-784-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги “Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш” тўғрисидаги 194-сонли Қарори талабларига зид равишда, Жарқўрғон тумани “Марказий сурхон” маҳалласида жойлашган “ХХХХХ” номли ошхонасида “Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ Жарқўрғон туман бўлими билан шартнома тузмасдан, умумий фойдаланишдаги ичимлик суви (водопровод) тармоғига тижорат мақсадларида, яъни фуқароларга хизмат кўрсатиш учун сув ҳисоблагич ўрнатмасдан, ўзбошимчалик билан тўғридан-тўғри уланиб, 13 161.9 м3 сувни ноқонуний равишда сарфлаб “Сурхондарё сув таъминоти”



МЧЖ Жарқўрғон туман бўлими манфаатларига жами **103 млн. 189 минг 296 сўм** кўп миқдорда зарар етказган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Сурхондарё вилояти бўлимининг 2024 йил 07 август кунидаги 29/33(932)/17.1-Z1283-сонли хулосасида “XXXXX” оилавий корхонаси “Сурхондарё сув таъминоти” АЖнинг 16.04.2024 йилдаги 16/002-сонли Ўзбекистон Республикасининг 784-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 194-сонли қарорига зид равишда фойдаланиб келганлиги ҳақидаги далолатномасига асосан ҳисоблаб кўрилганида 103 млн. 189 минг 296 (бир юз уч миллион бир юз саксон тўққиз минг икки юз тўқсон олти) сўмни ташкил этиши аниқланган.

Судланувчи XXXXX суд мажлисида айбига тўлиқ икrorлик билдириб, унинг номида “XXXXX” оилавий корхонаси борлиги, у ушбу ташкилотнинг ҳам раҳбари, ҳам таъсисчиси ҳисобланиши, ушбу ташкилот 2021 йилда ташкил этилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келишлиги, Жарқўрғон тумани “Марказий сурхон” маҳалласида жойлашган “XXXXX” ошхонаси унга тегишлиги, ушбу ошхона “XXXXX” хусусий корхонаси балансида туришлиги, Жарқўрғон тумани “Марказий сурхон” маҳалласида жойлашган “XXXXX” ошхонаси ичимлик суви қувурлари билан 1 йиллардан буён таъминланганлиги, умумий ичимлик сувидан 1 йилдан буён фойдаланиб келишлиги, ушбу сув қувурини у ўзи умумий фойдаланишдаги марказий қувурдан тортиб келганлиги, Жарқўрғон тумани “Марказий сурхон” маҳалласида жойлашган “XXXXX” ошхонасига автомобил йўли қисмидан ошхона биносигача ўтказилган 20-25 метр узокликда сув трубасидан доимий равишда ичимлик суви оқмаслиги, ёз фаслида эрталаб 1-1.5 соат кечки вақт 1-2 соат сув берилишлиги, бироқ жуда паст босим билан сув оқишлиги, қиш фаслида сув катта босим билан оқишлиги, аҳолига сув тарқатилган вақтида уни ошхонасига ҳам сув келишлиги, у ўзига тегишли Жарқўрғон тумани “Марказий сурхон” маҳалласида жойлашган “XXXXX” ошхонасида фойдаланиб келаётган ичимлик суви учун туман Сувоқова ташкилоти билан шартнома тузмаганлиги, у умумий фойдаланишдаги оқова сувга ўзбошимчалик билан тўғридан-тўғри уланиб фойдаланиб келаётганлиги, ҳақиқатдан ҳам, “Сурхондарё сув таъминоти” АЖ Жарқўрғон туман бўлимининг “Марказий сурхон” МФЙси ҳудудидан ўтувчи қисмига Жарқўрғон тумани “Марказий сурхон” МФЙсида фаолият юритаётган у раҳбарлик қилиб келаётган “XXXXX” оилавий корхонаси томонидан ичимлик сув тармоғига d-76 мм. бўлган ичимлик сув тармоғига 1 та нуктада қувурнинг ички қисми d-20 мм. бўлган полителен қувур билан “Сурхондарё сув таъминоти” АЖнинг Жарқўрғон туман бўлиmidан техник шарт олмасдан ва шартнома тузмасдан d-76 мм. бўлган асосий ичимлик сув қувурига ўзбошимчалик билан улаб фойдаланиб келганлиги, бироқ у умумий фойдаланишдаги оқова сувга ўзбошимчалик билан уланиши оқибатида, қанча зарар етказилганлигини туман прокуратурасига келиб, экспертиза хулосаси билан танишганида билганлиги, “Сурхондарё сув таъминоти” АЖ Жарқўрғон туман филиали манфаатларига жами 103 млн. 189 минг 296 сўм



миқдорида етказган зарарини қоплаб берганлиги, у юқоридаги ҳаракатлари жиноят эканлигини билмаганлиги, ушбу ҳаракатлари жиноят эканлигини кейин тушуниб етганлиги, айбига иқрорлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, зарарни қопланганлигини ва айбига пушаймон эканлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар ХХХХХ суд мажлисида Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани “Сурхондарё сув таъминоти” АЖ Жарқўрғон туман филиалининг “Марказий сурхон” МФЙси ҳудудидан ўтувчи қисмига Жарқўрғон тумани “Марказий сурхон” МФЙсида фаолият юритаётган “ХХХХХ” оилавий корхонаси раҳбари Улуғов Уткир томонидан ичимлик сув тармоғига ноқонуний равишда d-76 мм. бўлган ичимлик сув тармоғига 1 та нуқтада қувурнинг ички қисми d-20 мм. бўлган полителен қувур билан “Сурхондарё сув таъминоти” АЖнинг Жарқўрғон туман бўлиmidан техник шарт олмасдан ва шартнома тузмасдан d-76 мм. бўлган асосий ичимлик сув қузурига уланиб олинганлиги “Сурхондарё сув таъминоти” АЖ ходимлари томонидан аниқланганлиги, ушбу аниқланган ҳолат юзасидан 2024 йилнинг 16 апрель санасида “Сурхондарё сув таъминоти” АЖ мутахассислари Б.Файзиев, ХХХХХ ва ХХХХХлар Жарқўрғон тумани “Марказий сурхон” МФЙсида фаолият юритаётган “ХХХХХ” оилавий корхонаси раҳбари Улуғов Уткир томонидан ичимлик сув тармоғига Жарқўрғон туман бўлими ичимлик сув қузурининг “Марказий сурхон” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи қисмига ўзбошимчалик билан уланган нуқтасида қувурнинг диаметрини 29.11.2023 йилда давлат қиёсловидан ўтган 927444-2023-сонли ўлаш воситаси (штангенциркуль) ва ичимлик сувини босимини ўлашда 12.12.2023 йилда давлат қиёсловидан ўтган 935187-2023-сонли ўлаш восита (монометр)лар ёрдамида ўзбошимчалик билан уланган қувурнинг диаметри ҳамда тармоқ босими ўланиб, аниқлик киритилиб ўзбошимчалик билан уланганлиги юзасидан далолатномалар тузилганлиги, натижада “ХХХХХ” оилавий корхонаси раҳбари ХХХХХ томонидан ичимлик суви (водопровод) тармоғига тижорат мақсадларида, яъни фуқароларга хизмат кўрсатиш учун сув ҳисоблагич ўрнатмасдан, ўзбошимчалик билан тўғридан-тўғри уланиб, 13 161.9 м3 сувни ноқонуний равишда сарфлаб “Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ Жарқўрғон туман бўлимига 103.189.296 сўм зарар келтирилганлиги аниқланаганлиги, ХХХХХдан “Сурхондарё сув таъминоти” АЖга етказилган ва депозит ҳисоб рақамига тўланган пулларни “Сурхондарё сув таъминоти” АЖ Жарқўрғон туман бўлими ҳисоб рақамига ўтказиб беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ ХХХХХ суд мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги ЎРҚ-784-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги “Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш” тўғрисидаги 194-сонли Қарори талабларига зид равишда, Жарқўрғон тумани “Марказий сурхон” маҳалласида жойлашган “ХХХХХ” номли ошхонасида “Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ Жарқўрғон туман бўлими билан шартнома тузмасдан, умумий фойдаланишдаги ичимлик



суви (водопровод) тармоғига тижорат мақсадларида, яъни фуқароларга хизмат кўрсатиш учун сув ҳисоблагич ўрнатмасдан, ўзбошимчалик билан тўғридан-тўғри уланиб, 13 161.9 м3 сувни ноқонуний равишда сарфлаб “Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ Жарқўрғон туман бўлими манфаатларига жами 103 млн. 189 минг 296 сўм зарар етказганлиги аниқланганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида суроқ қилинган ХХХХХ ва ХХХХХлар гувоҳ ХХХХХнинг кўрсатмасига ухшаш кўрсатма берди.

Судланувчи ХХХХХнинг айби қуйидаги жиноят ишининг дастлабки суриштирув ва тергов ҳужжатлари, жиноят иши юзасидан маълумотнома, далолатнома, ичмлик сув қувурига уланиб, ноқонуний фойдаланганлик натижасида етказилган зарар ҳисоб-китоби мутахассис хулосаси билан, жиноят иши юзасидан олинган тушунтириш хатлари билан, “ХХХХХ” оилавий корхонасига қарашли бўлган умумовқатланиш нуқтасида ичимлик суви тармоғига ноқонуний уланиш ва фойдаланиш ҳолати юзасидан олинган фото суратлари билан, жиноят иши юзасидан фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг сўроқ баённомаси билан, жиноят иши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Сурхондарё вилояти бўлимининг 2024 йил 07 август кунидаги 29/33(932)/17.1-Z1283-сонли хулосаси билан ва бошқа объектив далиллар билан тўлиқ исботланади.

Суд қилмишни квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, судланувчи ХХХХХнинг умумий фойдаланишдаги ичимлик суви тармоғига тижорат мақсадида яширин равишда ўзбошимчалик билан тўғридан-тўғри уланиб, корхонага кўп миқдорда зарар етказган ҳолда ўғирлик қилишда ифодаланган жиноий ҳатти-ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 августдаги “Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-108-сон Фармони билан 2024 йил 1 октябрдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдори 375.000 сўм этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-бўлимида, кўп миқдор-базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор эканлиги белгиланган.

Иш бўйича ХХХХХ томонидан умумий фойдаланишдаги ичимлик суви тармоғига тижорат мақсадида яширин равишда ўзбошимчалик билан тўғридан-тўғри уланиб, жамиятга 103.189.296 (бир юз уч миллион бир юз саксон тўққиз минг икки юз тўқсон олти) сўм зарар етказган ҳолда ўғирлик қилишда ифодаланган жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддасининг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 13 мартдаги ЎРҚ-822-сонли Қонунига асосан “д” ва “е” кичик бандлар билан тўлдирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасида, “Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг



аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади” деб белгиланган.

Бундай ҳолда, ХХХХХни жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” бандидан ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” бандига қайта квалификация қилиш лозим бўлади.

Суд, судланувчи ХХХХХнинг айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар, унинг ҳаракатларида жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХХХга нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши керак” лиги,

-Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозим” лиги,

-шунингдек, ушбу Пленум Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” лиги,

-шунингдек мазкур Пленум Қарорининг 5-бандида қайд этилган “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи ХХХХХнинг содир этган жинояти унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришлигини, айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атворини, яъни етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, шахсини, оилали бўлиб, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлигини, жиноятни шу шароит туфайли содир қилганлигини унинг содир этган жиноятини ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, уни жамиятдан



ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин деган ҳулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, ҳукм қонуний кучга киргач унга нисбатан қўлланилган “Гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилишни белгилашни лозим топади.

Суд, судланувчи ХХХХХ томонидан етказилган моддий зарарни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси депозит ҳисоб рақамига тўланган 103.189.296 (бир юз уч миллион бир юз саксон тўққиз минг икки юз тўқсон олти) сўм пулларни ҳукм қонуний кучга киргач, “Сурхондарё сув таъминоти” АЖ Жарқўрғон туман бўлимнинг ҳисоб рақамига қаратишни лозим топади.

Суд, фуқаровий даъвогар ХХХХХнинг судланувчи ХХХХХга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 453-457, 462-463, 465-468, 471-473 ва 475-476-моддаларини қўллаб суд,

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

ХХХХХ (ХХХХХ), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва шу модда билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро қилиш Жарқўрғон туман ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

ХХХХХга нисбатан қўлланилган “Гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин. Гаров тариқасида Сурхондарё вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 7.000.000 сўм пуллар эгаси ХХХХХга қайтарилсин.

Жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси депозит ҳисоб рақамига тўланган 103.189.296 (бир юз уч миллион бир юз саксон тўққиз минг икки юз тўқсон олти) сўм миқдоридаги пуллар “Сурхондарё сув таъминоти” АЖ Жарқўрғон туман бўлимнинг х/р 22638000304485720401 ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Фуқаровий даъвогар ХХХХХнинг судланувчи ХХХХХга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукм устидан ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судига шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.



Раислик қилувчи:

Б.Т.Чўлиев

Хужжат имзоланган: Чўлиев Ботир Турсунович, 10.01.2025

